

БҲУҒУҒИ СОҒДА:



3-6 бетлар



Косонда янги фабрика иш бошлади

7 бет



8 бет



8 бет



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 9-10 (562-563)

2022 йил 8 февраль,
сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@mail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни қурилиш лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Маълумки, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Унинг қурилиши ўтган йили Рамазон ойида бошланган эди. Бугунги кунда бинолар қад ростлаб, пардозлаш ишларига оз фурсат қолди. Тақдиротда мажмуанинг ички ва ташқи кўринишига оид чизмалар кўриб чиқилди.

Унга кўра, мажмуа деворлари миллий нақшлар, пардозбоп тошлар билан сайқалланади. Имом Бухорий бобомиз макбарасида наққошлик ва хаттотлик санъати уйғунлашади. Унинг деворлари қадимий услубда Қуръони карим суралари ва ҳадислар ёзилади. Барча пардозлаш ишларида ёрқин, "иссиқ" ранглардан кўпроқ фойдаланилади.

Хоразм вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг изчил давоми сифатида Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Лойиҳага кўра, у ерда университет, мактаб ва боғча, IT парк, фан ва маданият марказлари, спорт мажмуаси барпо этилади. Шаҳарча марказида Муҳаммад ал-Хоразмий майдони бўлади, буюк алломанинг янги ҳайкали ўрнатилди.

Урганч шаҳрида Жалолитдин Мангуберди мажмуаси ҳам қурилмоқда. Бугунги кунда жасур саркарданинг муҳташам ҳайкали ўрнатилган. Атрофда қарийб 8 гектар майдон ободонлаштирилмоқда.

Шунга яқин жойда минг ўринли санъат саройи бунёд этиш ҳам мўлжалланган. У ерда Хоразм лагзиси аъналарини сақлаш, ўрганиш ва кенг ёйиш учун замонавий шароит яратилади. Турли тадбирлар, концертлар ўтказилади.

2020 йил 22 октябрда "Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси ташкил этилди.

Қарорда мазкур Академия учун янги бинолар қуриш ва ўқув-моддий базасини такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланган. Тақдиротда шу борадаги лойиҳалар ҳақида ҳам



БУНЁДКОРЛАРИМИЗ ШИЖОАТИ ДЎСТОНА ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Дилфуза ХАБИБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хабарингиз бор, жорий йил Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттинчи йиллиги кенг нишонланади. Бу ҳақда 2021 йил 6 декабрда Президентимизнинг Қозоғистон Республикасида давлат ташрифи доирасида Нур-Султон шаҳрида мамлакатимиз элчихонаси янги биносининг очилиш маросимида иштирок этган икки давлат раҳбарлари алоҳида тўхталиб ўтган.

Кейинги йилларда дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларига асосланган Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларида улкан ўзгаришлар рўй берганини кузатиш мумкин. Икки қардош халқларнинг қавму қариндошлик, дўсту биродарлик муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда саккиз юз мингдан зиёд қозоқ миллиятига мансуб фуқаролар истиқомат қилиб, уларнинг миллий маданияти, тили ва аъналарини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилганини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, аввало, Қозоғистон бугун Ўзбекистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа кўплаб соҳаларда яқин ҳамкорига айланганини эътироф этиш лозим. Давлат раҳбарлари даражасида амалга оширилган ташрифлар эса кўпқиррали муносабатларнинг жадал кенгайиши ва янада чуқурлашувига кўмаклашмоқда. Ана шундай ташрифлар доирасида 2010 йил 17 мартда элчихоналар бинолари қурилиши учун ер ажратилиш бўйича Ўзбекистон билан Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида икки томонлама келишув имзолангани ҳам дўстона алоқаларни ўзаро ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик руҳида ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шундай қилиб, Нур-Султон шаҳрининг Карасаз ва Тангар кўчалари кесимидаги 2,6 гектар майдон Ўзбекистон элчихонаси жойлашадиган ҳудуд этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартда "Ўзбекистон Республикасининг Остона шаҳридаги элчихонаси бинолар комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича"ги қарори қабул қилиниб, унга асосан комплексни қуриш ва жиҳозлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси, Ташқи ишлар вазирлиги – бююртмачи, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК – бош лойиҳачи ташкилоти ва "Трест-12" АЖ бош пудратчи ташкилот сифатида танлаб олинди.

Миллий бунёдкорлик аъналарини ва замонавий меъморчилик ечимларини асосида бунёд этилган дипмиссия биносини қуриш ишлари қарийб уч йил давомида юртимиз бунёдкорлари томонидан олиб борилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Уч қаватдан иборат элчихона биноси 3943,6 квадрат метр майдонда жойлашган бўлиб, бу ерда асосий бино, консуллик бўлими, ходимлар учун уй, дипломатик миссия раҳбарининг қароргоҳи, болалар ва спорт майдончалари барпо этилган.

Бир вақтнинг ўзига учтагача вазирилар даражасидаги музокараларни олиб боришга ихтисослашган хоналар, шунингдек брифинг, бизнес-форум, ОАВ ва ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказиладиган, 70-100 кишигача бўлган аудиторияни сиғдира оладиган анжуманлар залида барча шароитлар яратилди. Элчихонада, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиши учун махсус шоурум, бундан ташқари кутубхона фаолияти йўлга қўйилди.

Элчихонага ташриф буюрганлар иш жараёнларининг самарали ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилгани, бу ерда ахборот технологиялари кенг жорий қилингани, хусусан, интерфасол ускуналар музокараларни онлайн шаклда ўтказишга имкон беришига гувох бўлади. Консуллик фаолияти учун "электрон навбат" тизими ўрнатилган, бу ерга келувчилар маълумотларини интерфасол тарзда олиш имкониятига эга. Алоҳида эҳтижли одамлар учун ҳам зарур шароитлар яратилган.

Консул ва элчихона ходимлари фаолият олиб борадиган хоналар ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозланган. Бундан ташқари, элчихона атроф-ҳудудини ободонлаштириш-кукаламзорлаштириш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Барча коммуникациялар, хавфсизлик ускуналари муҳандислик-техник талабларга жавоб беради.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ўз ишининг усталари бўлган Ўзбекистонлик моҳир қурувчи ва муҳандислар, вази меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари иштирокида хорж мамлакатларида ҳам қатор иншоотлар, маиший-маданий бинолар қад ростлаётир. Қурилиш ишларида дунёнинг ривожланган давлатлари стандартларига мос бўлган янги инновацион технология ва ечимларни қўллашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги элчихона биноси икки мамлакат ўртасидаги дўстона, ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари ривожланишида муҳим кўприк вазифасини бажаришига хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

"Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда шаффоқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қурилуш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мақсади дастуруларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек, бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган объектларни (кейинги ўринларда – объектлар) қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун пудрат ташкилотларини фақат давлат харидлари электрон тизимининг электрон тендер савдолари платформаси (кейинги ўринларда – платформа) орқали аниқлаш;

тендер савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағлар бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси талаби бекор қилиниши;

объектнинг бошланғич нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган тендер тақлифини таъминлаш кафолат суммасини пудрат ташкилоти томонидан платформа операторининг ҳисобварағига ўтказиш ва тендер якунидан сўнг пудрат ташкилотининг ҳисобварағига автоматик равишда қайтариш тизимини жорий этиш;

Ҳар бир мурожаат ортида – инсон тақдири бор!

Райҳона ХҲАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Янгилаётган замон барчамиздан у билан қадам-қадам илгариларини талаб қилмоқда. Бир пайтлар шунчаки хаёлот меваси бўлган технологиялар бугун инсониятга беминнат хизмат қилияпти. Бугун ҳатто бу технологиялар кириб келмаган соҳанинг ўзи қолмади, ҳисоб.

Хусусан, Қурилиш вазирлиги ва унинг тизимидеги барча ташкилотларда бугун бир қатор йўналишлар онлайн равишда ишлашга ўтган. Соҳага татбиқ этилаётган инновацион технологиялар тўғрисида бир қанча овозгарчиликларга барҳам берилди. Жумладан, "Огоҳ фуқаро" платформаси ишга туширилиб, қурилиш соҳасида лицензия олиш тартиби тўлиқ онлайн шаклда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Қурилиш вазирлигида аҳоли ва тадбиркорлар, умуман барча фуқаролар мурожаатлари доимий равишда эътиборда. Бу қулайликлар айниқса, қурилиш ташкилотлари вакилларига кўпроқ манзур бўлмоқда. Тадбиркорларнинг фикрича, мурожаатлар ечимини кечиктирмасдан ҳал этиш турли сарсонгарчиликларга барҳам берапти.

– Ҳар бир қурилиш бошладан олдин Қурилиш вазирлиги билан бевосита ишлаймиз, – дейди пойтахтимидаги қурилиш компанияларидан бирининг раҳбари Достон Парпиев. – Архитектура-режалаштириш топшириги, қурилишга рухсатномалар, қурилиш назорат инспекциясидан рухсатномалар барчасини Қурилиш вазирлиги қисқа муддатларда олишга ёрдам берапти. Авваллари ҳамма жойга одамни ўзи югурган бўлса, ҳозирда кўп масалаларни электрон равишда ҳал қиляпти, ойнаб сарсон бўлиш, бир дунё хат-ҳужжатлар тўплашга ҳожат қолмаяпти. Бу ишимизни анча осонлаштириб, аввалгидек навбатда туриш, лойиҳаларни топширишдаги қийинчиликларни олдини оляпти. Бизда эса қурилишнинг бошида туриб, назорат қилишга вақт кўпроқ бўляпти.

Қурилиш вазирлигида мурожаатлар бўйича ишлашнинг марказлаштирилган тизими жорий қилинган. Ягона 12-98 рақами орқали юрtdошларимиздан ҳар кун турли масалаларда кўнги

Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 4-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги 46-сон қарорига илова

ТЕНДЕР ПРЕДМЕТИ БЎЙИЧА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ (3-шакл)

(тендер предметининг номи)

Молиялаштириш шартлари	Тендер предмети бўйича календарь йил ичида молиялаштиришнинг ойма-ой тақсимоти											
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
15 фоиз миқдоридан бўнак												
80 фоиз миқдоридан кейинги молиялаштириш												
5 фоиз миқдоридан кафолат муддати												

Изоҳ.

Жадвалдаги бўнак маблағларидан ташқари ойма-ой тақсимланадиган молиявий маблағлар миқдори ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тақсимланади. Бунда агар тендер предмети бўйича ишларни якунлаш муддати бир календарь йилдан ошган тақдирда, ушбу молиялаштириш жадвали фақат биринчи йилда бажариладиган ишлар қийматидан келиб чиқиб тақсимланади.

Ташкилот раҳбарининг имзоси:

Тузилган санаси: 20__ йил "___" _____

Манба: lex.uz

16

талаби платформа томонидан тендер предметининг қиймати ўзгартирилмаган ҳолда автоматик тарзда бир кўрсаткичга камайтирилади.

28. Агар тендер предмети бўйича ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тегишли лицензия турини талаб этса, электрон тендерда фақат тегишли лицензияга эга бўлган оферентлар иштирок этади.

8-боб. Электрон тендер таклифини бериш тартиби

29. Талабгор ушбу Низомнинг 23-банди "б" кичик банди шартларига мос келган тақдирда, талабгор шахсий кабинетдан фойдаланган ҳолда электрон тендер ҳужжатларини тўлдирди ва юклаш йўли билан платформага таклифини ЭРИ билан тасдиқлаб, белгиланган муддатдан кечиктирмай жойлаштиради.

30. Таклифларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар оферент ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш ёки қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

31. Платформа томонидан тендер таклифларининг қабул қилиниши платформада жойлаштирилган эълонда белгиланган кун тугаши билан (соат 23:59:59 да) тўхтатилади.

9-боб. Платформа томонидан электрон тендер таклифларини баҳолаш

32. Электрон тендер куйидаги ҳолларда амалга ошмаган деб ҳисобланади: ягона оферент иштирок этган ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаган тақдирда; баҳолаш жараёнида ушбу Низомнинг 23-банди "б" кичик банди шартларига мувофиқ платформа томонидан оферентлар қайта ўрганилганда, ягона оферент қолдирилганда ёки бирорта ҳам оферент қолдирилмаган тақдирда;

агар битта лотда иккита оферент иштирок этаётган бўлса ва ушбу оферентлардан бири бир ва ундан ортиқ лотларда ўз таклифларини жойлаштирган бўлса ҳамда ушбу оферент ихтиёрли битта лотда ғолиб деб белгиланиб, молиявий мажбуриятлари ҳажми 2 баравардан ошган тақдирда; ғолиб ва захирадаги ғолиб пудрат шартномасини тузишни рад этган тақдирда.

33. Тендер амалга ошмаган деб ҳисобланган тақдирда, давлат буюртмачиси томонидан тендер ташкилотчисига тендер бўйича эълонни платформага қайта жойлаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Шу билан бирга, пудрат шартномаси имзолангунга қадар белгиланган тартибда тендер предметини амалга ошириш тўхтатилган тақдирда ёки тендер предмети бўйича қурилиш-пудрат ташкилоти ушбу Низом талабларида белгиланган тартибдан ташқари ҳолда аниқланган тақдирда, тендер амалга ошмаган деб ҳисобланади.

34. Оферентлар томонидан тақдим этилган тендер таклифлари электрон платформа томонидан тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан бошлаб 2 иш куни ичида баҳоланади. Ушбу 2 иш куни ичида 23-банди "б" кичик банди шартлари бўйича оферентларнинг кўрсаткичлари салбий томонга ўзгарган тақдирда, платформа томонидан ушбу оферент электрон тендердан четлаштирилади.

35. Оферентнинг умумий баллари йиғиндисини якуний ҳисоблаш учун ҳар бир оферент бўйича платформа томонидан автоматик режимида ҳисобланадиган куйидаги формула қўлланилади:

$ЯБ = РБ \times 0,7 + ((БМ - ОМ) \times 57(БМ - ЭТМ)) + (ББН - ОН) \times 25 / (ББН - ББН \times 0,95)$;

ЯБ – оферентнинг якуний балли;

РБ – электрон соҳабай рейтинг доирасида ҳисобланган балл;

0,7 – электрон соҳабай рейтинг доирасида олинган баллнинг умумий якуний баллдаги улushiни аниқловчи коэффициент;

5* – нолдан бешгача бўлган балл тизими бўлиб, тендер предмети бўйича белгиланган қурилиш муддати ноль балл ҳисобланади, жойлаштирилган таклифлардаги энг кам қурилиш муддатини кўрсатган оферентга 5 балл ҳисобланади, улар орасидаги таклиф этилган қурилиш муддатлари бўйича баллар платформа томонидан интерполяция йўли билан аниқланади;

ББН – давлат буюртмачисининг бошланғич нархи (ҚҚС билан). Бунда агар қонунчиликда белгиланган тартибда бошланғич нарх ҚҚСсиз бўлса, ушбу формулада белгиланган тартибдаги ҚҚСсиз қийматлар ҳисоб олинади;

0,95 – таклиф нархининг (ҚҚС билан) бошланғич нархдан (ҚҚС билан) 5 фоиздан кўп камайтирилиши мумкин эмаслиги коэффициенти;

8

Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом мақсадли дастурларга мувофиқ давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек, бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш борасидаги давлат буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган тендер савдолари учун татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

акцепт – платформа томонидан автоматик равишда оферентга юбориладиган, электрон тендер ғолиби деб эътироф этилиши муносабати билан шартнома тузишга розилик бериш тўғрисидаги электрон хабарнома;

давлат буюртмачиси – давлат харидларини амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалари, бюджет ташкилотлари, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтирилган бюджет маблағларини оловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармалар;

жорий йил учун молиявий мажбуриятлар ҳажми – оферент томонидан жорий йилда бажариш мажбуриятини олган ишларнинг шартномада кўрсатилган қиймати. Бунда йилдан йилга ўтувчи объектлар бўйича молиявий мажбуриятлар ҳажмини ҳисоблашда, оферент ютиб олган объектнинг тасдиқланган қурилиш-монтаж ишлари бўйича манзилли рўйхатда назарда тутилган ҳисобот йилида бажариладиган ишлар қиймати инобатга олинади;

захирадаги ғолиб – электрон тендер якунига кўра платформа томонидан ғолиб деб эътироф этилган оферентнинг тендер таклифидан кейинги тендер таклифи энг мақбул деб эътироф этилган оферент;

оператор – давлат харидлари субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи, давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан белгиланган махсус ваколатли юридик шахс;

оферент – электрон рейтингда мавжуд бўлган, қурилиш соҳасидаги электрон тендерда қатнашиш ва ғолиб бўлиш мақсадида ўз таклифини платформага электрон шаклда жойлаштирган қурилиш-пудрат ташкилоти;

талабгор – офертаси платформа томонидан рўйхатдан ўтказилгунга қадар эълонда кўрсатилган шартларга мувофиқ электрон тендерда қатнашиш истаги бўлган ҳамда электрон рейтингда мавжуд бўлган қурилиш-пудрат ташкилоти;

тендерни ўтказиш бўйича махсус ахборот платформаси – қурилиш соҳасида давлат харидлари амалга оширилиши, харидлар тўғрисидаги эълонлар, харид қилиш тартиб-таомиллари, оферентларнинг таклифлари, харидлар якунлари ҳақидаги ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотлар электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек, тендерлар электрон ўтказилишини таъминловчи веб-сайт ва махсус электрон платформа (кейинги ўринларда – платформа);

тендер предмети – лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ваколатли орган томонидан берилган ижобий комплекс экспертиза ҳулосаси мавжуд бўлган қурилиш, реконструкция қилинадиган ва мукаммал таъмирланадиган объект;

тендер таклифи – электрон тендер ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тендер предметига нисбатан оферентнинг платформа орқали электрон шаклда тақдим этилган таклифи;

1

ОН – оферент томонидан таклиф этилган нарх (ҚҚС билан). Бунда агар қонунчиликда белгиланган тартибда таклиф нархи ҚҚСсиз бўлса, ушбу формулада белгиланган тартибдаги ҚҚСсиз қийматлар ҳисобга олинади;

25 – оферент томонидан таклиф этилган нарх учун интерполяция йўли билан бериладиган балл;

БМ – электрон тендер ҳужжатларида белгиланган муддат;

ОМ – оферент томонидан таклиф этилган ишларни бажариш муддати;

ЭТМ – оферент томонидан таклиф этилган ишларни бажаришнинг энг кам муддати;

оферент тендер таклифини энг кам нарх билан берган тақдирда, унга 25 балл берилди ҳамда формуланинг иккинчи қисми, яъни – (ББН – ОН) x 25 / (ББН – ББН x 0,95) ифодаси ҳисобланмайди.

Талабгор ўз таклифини платформага жойлаштириши мобайнида унинг чегирмаси бошланғич нархга нисбатан 5 фоиздан кўп бўлган тақдирда, платформа томонидан ушбу таклиф қабул қилинмайди.

36. Платформа томонидан электрон тендер натижаларига мувофиқ ғолиб ва захирадаги ғолиб автоматик равишда аниқланади.

37. Электрон тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш якуни бўйича электрон баённома шакллантирилади ва унда куйидаги ахборотлар акс эттирилади:

электрон тендер таклифларини кўриб чиқиш, баҳолаш санаси ва вақти;

электрон тендер таклифларини баҳолаш натижаси;

электрон тендер ғолиби ва захирадаги ғолиб ҳақидаги маълумот.

38. Агар оферент унинг молиявий мажбуриятларининг қолдиқ ҳажми етарли бўлиб, бир неча тендерда иштирок этган тақдирда, электрон тендерда платформа томонидан фақат молиявий мажбуриятларининг қолдиқ ҳажми етарли бўлган тендер предмети бўйича ғолиб деб белгиланади.

39. Электрон тендер ғолиби билан пудрат шартномаси имзолангандан сўнг тендерда қатнашган оферентлар ўз шахсий кабинетлари орқали ҳар бир оферент бўйича якуний баллар, шу жумладан, шахсий соҳавий рейтинг баллари ҳақида уларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни кўришлари мумкин.

10-боб. Электрон тендер натижалари бўйича пудрат шартномасини тузиш

40. Электрон тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан бошлаб 2 иш куни ичида платформа томонидан тендер ғолиби аниқланади ва ушбу 2 иш куни якунланган кундан сўнг ғолиб ташкилотга акцепт юборилади. Акцепт ғолиб ташкилот томонидан тасдиқланган кундан бошлаб тендер тугалланган деб ҳисобланади.

Агар акцепт юборилган кундан бошлаб 2 иш куни ичида ғолиб ташкилот томонидан тасдиқланмаса, ушбу ғолиб ташкилот пудрат шартномасини имзолашдан бош тортган ҳисобланади ва акцепт захирадаги ғолибга юборилади.

Захирадаги ғолиб томонидан 2 иш куни ичида акцепт тасдиқланмаган тақдирда, тендер амалга ошмаган деб ҳисобланади ва қайтадан ўтказилади.

41. Электрон тендер натижалари бўйича ғолиб эълон қилинган пайтдан бошлаб 3 кун муддатдан кечикмай пудрат шартномаси тузилади.

Электрон тендер ғолиби пудрат шартномасини тузишдан бош тортган ҳолларда, пудрат шартномасини тузиш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади.

Бунда электрон тендер ғолибига тендер таклифини таъминлаш кафолати суммаси қайтариб берилмайди.

Захирадаги ғолиб тендер ғолиби томонидан таклиф этилган нарх (агар захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх тендер ғолиби томонидан таклиф этилган нархдан баланд бўлса) ёки ўзи томонидан таклиф этилган нарх (агар захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх тендер ғолиби томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлса) бўйича пудрат шартномасини тузиши ёки тузишдан бош тортиши мумкин.

Захирадаги ғолиб акцептни тасдиқлашдан ёки пудрат шартномасини тузишдан бош тортган тақдирда, тендер таклифини таъминлаш кафолат суммаси банк хизматлари ушланган ҳолда қайтариб берилади.

Пудрат шартномаси имзолангандан сўнг буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПҚ-4464-сон қарорининг 7-бандига мувофиқ пудрат шартномаси имзоланиб, Молия вазирлигининг Газначилигида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш иш куни ичида пудрат шартномасининг ҚҚСсиз суммасидан 0,05 фоизи миқдоридаги маблағни ахборот тизимининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади.

9

тендер таклифини таъминлаш кафолати – тендер предметининг бошланғич нархидан (ҚҚС билан) 2 фоздан ортиқ бўлмаган тендер таклифини таъминлаш кафолати бўлиб, Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида яхлитланган миқдорда белгиланади;

тендер ташкилотчиси – қурилиш соҳасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш бўйича электрон тендер ҳужжатларининг тўлиқлигини ҳамда мувофиқлигини ўрганиб чиқувчи, эълонни платформага жойлаштирувчи ихтисослаштирилган ташкилот;

электрон тендер – қурилиш соҳасида давлат харидини амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили воситасида тендер предметининг ижросини аниқлашни назарда tutувчи электрон механизм бўлиб, унинг натижасига кўра тендер предмети бўйича энг яхши шартларни таклиф этган оферент ғолиб деб эътироф этилади;

электрон тендер ҳужжатлари – тендер предметининг молиявий, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари ҳамда тендерни ташкил этиш шартлари ва ўтказиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги дастлабки ахборотни ўз ичига оловчи, давлат буюртмачиси томонидан тайёрланадиган электрон ҳужжатлар тўплами;

эълон – давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида давлат буюртмачиси томонидан жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот;

қурилиш-пудрат ташкилотларининг соҳавий электрон рейтинги – “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг соҳалар бўйича қурилиш-пудрат ташкилотларининг кадрлар билан таъминланганлиги, молиявий кўрсаткичлари, рақобатбардошлиги, иш тажрибаси, моддий-техник базаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича мезонларга мувофиқ малака талабларини белгилувчи ҳамда бошқа рейтинг кўрсаткичларини ўзида акс эттирадиган электрон платформа;

қурилиш соҳасидаги давлат харидларининг субъектлари (тендер иштирокчилари) – давлат буюртмачиси, тендер ташкилотчиси, платформа оператори ва электрон рейтингда мавжуд бўлган талабгор/оферентлар;

ғолиб – электрон тендер якунига кўра платформа томонидан ғолиб деб эътироф этилган оферент.

3. Мазкур Низом давлат буюртмачиларининг бир шартнома бўйича қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваридан ортиқ бўлган қурилиш соҳасидаги электрон тендерларга нисбатан татбиқ этилади.

Базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваридан кам бўлган қурилиш соҳасидаги электрон тендерларга ушбу Низом талаблари тавсиявий аҳамиятга эга.

4. Давлат буюртмачиси электрон тендерларни операторлар орқали онлайн режимда ўтказиши. Қурилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳамда оператор ўртасида электрон ахборот алмашинувини йўлга қўяди.

5. Мазкур Низом қоидалари:

Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа мақсадли дастурларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорларида назарда тутилган давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектлари бўйича соҳавий рейтингда мавжуд бўлган қурилиш-пудрат ташкилотларини аниқлашда;

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек, бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш соҳасидаги харидларга нисбатан қўлланилади.

Агар қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектлари бўйича Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа мақсадли дастурларда назарда тутилган давлат бюджети маблағлари билан бирга бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилинган бўлса, қурилиш-пудрат ташкилоти мазкур Низом талаблари асосида аниқланади.

6. Мазкур Низомнинг амал қилиши:

давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун давлат харидлари, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига, шунингдек, “fast-track” усулидаги қурилишга; Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира фондларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган давлат харидларига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидларига;

фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўладиган давлат харидларига;

Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

ТЕНДЕР ПРЕДМЕТИ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ БАЖАРИШНИНГ УМУМИЙ ЖАДВАЛИ (2-шакл)

(тендер предметининг номи)

Т/р	Объектнинг локал ведомостлари бўйича	Ишларни бошлаш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1.	“Ер ишлари” локал ведомости бўйича		
2.	“А блоки – архитектура ва қурилиш ечимлари, темир-бетон конструкциялар” (А-АС блоклари, КЖ) локал ведомости бўйича		
3.	“Б блоки – архитектура ва қурилиш ечимлари, темир-бетон конструкциялар” (Б-АС блоклари, КЖ) локал ведомости бўйича		
4.	“А блоки – тоза ва оқова сув таъминоти” (А-ВК блоклари) локал ведомости бўйича		
5.	“Б блоки – тоза ва оқова сув таъминоти” (Б-ВК блоклари) локал ведомости бўйича		
...		
...	“Ободонлаштириш” локал ведомости бўйича		

Изоҳ.

1. Жадвалда тендер предметининг қисмлари бўйича барча локал ведомостларга мувофиқ ишларни бошлаш ва якунлаш саналари кўрсатилади.

2. Ушбу жадвалдаги саналар ғолиб қурилиш-пудрат ташкилоти томонидан объектнинг “Ишларни ишлаб чиқариш лойиҳаси” (ППР)га, яъни объект қурилишининг оқилона технологияси ва қурилишни ташкил этиш бўйича батафсил ишлаб чиқилган ҳужжатга мувофиқ аниқлаштирилиши мумкин.

3. Ушбу жадвалдаги иш турлари ва уларнинг ҳажмлари тендер предметининг иш турлари ва уларнинг ҳажмлари билан мослигига оферент жавобгар ҳисобланади.

Ташкилот раҳбарининг имзоси:

Тузилган санаси: 20__ йил “__” _____

11-боб. Электрон тендер иштирокчиларининг жавобгарлиги

42. Давлат буюртмачиси қуйдагилар учун жавоб беради: экспертиза марказининг ижобий экспертиза хулосасига мос келадиган электрон шаклда тақдим этиладиган қиймат ресурслар харажатлари (иш ҳақи, машина ва механизмлар ҳажми, нархи кўрсатилмаган ҳолда) тўғрилиги бўйича;

электрон тендер савдолари ғолиби билан белгиланган тартибда пудрат шартномасини тузиш бўйича.

43. Тендер ташкилотчиси қуйдагилар учун жавоб беради: давлат буюртмачисидан олинган ҳужжатларни кўпи билан 3 иш куни давомида ўрганиб чиқиши ва уларнинг белгиланган тартибда эълонга жойлаштириши;

эълонга жойлаштирилган электрон маълумотларнинг тўлиқлигига, тўғрилигига ва бир-бирига мувофиқлигига.

44. Оператор қуйдагилар учун жавоб беради: тендер ташкилотчиси тақдим этилган оферентларнинг таклифлари ва электрон рейтинг ҳақидаги маълумотларнинг ҳамда платформага юклатилган таклифларнинг тузилмасидаги ҳужжатлар тўлиқлигига;

электрон тендер таклифлари бўйича пудрат шартномаси мажбуриятлари бажарилиши тугаллангандан сўнг белгиланган муддатда сақланиши;

тендер иштирокчилари томонидан киритилган маълумотларнинг эълон амал қилиши муддати давомида ошқор этилмаслигини таъминлаш;

оферентларнинг тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлари бузилиши;

тендер тартиб-таомилларининг бошқа белгиланган талабларини бузиш.

45. Оферент ўзи томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончлиги учун жавоб беради.

46. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими томонидан ташкил этиладиган электрон тендер савдоларининг ҳаққоний ва шаффоф ўтказилиши юзасидан Қурилиш вазирлиги жавобгар ҳисобланади.

12-боб. Якунловчи қоидалар

47. Электрон тендер натижаларини расмийлаштириш, тузилган пудрат шартномалари бўйича ҳисоб-китобларни ташкил этиш, пудрат шартномаси мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда шикоятлар, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур Низом талабларига мувофиқ ўтказиладиган электрон тендер бўйича шикоятлар, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун ишчи орган этиб – Қурилиш вазирлиги белгиланади.

48. Мазкур Низом талабларига мувофиқ тузилган шартномалар бўйича қурилиш муддатини узайтириш, объектнинг қийматига ўзгартириш киритиш ҳамда қолдиқ қийматларини қайта аниқлаштириш Қурилиш вазирлигининг хулосасига асосан амалга оширилади.

49. Оператор тендерга тааллуқли барча ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланишини таъминлайди.

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

тендер таклифини таъминлаш кафолат суммаси оператор ҳисобварағига ўтказилганлиги. Тендер иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ва/ёки тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган оферентлар тендерга қўйилмайди.

Ушбу банднинг “б” кичик бандидаги шартларга тўғри келмаган талабгорнинг таклифлари платформа томонидан қабул қилинмайди.

24. Давлат буюртмачисининг фармойиши (буйруғи) асосида талабгордан таклифларни қабул қилиш муддати платформада тендер предмети эълон қилинган кундан бошлаб 12 иш кунидан кам ва 30 иш кунидан кўп бўлмаслиги лозим.

Давлат буюртмачиси эълонда турган тендер предмети бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори билан тасдиқланган Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий штаблар билан келишган ҳолда тендер предмети бўйича таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан олдин электрон тендер ҳужжатларига асосли ўзгартишлар киритиш тўғрисида фармойиш (буйруқ) қабул қилишга ҳақли.

Бунда электрон тендер ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган кундан бошлаб таклиф бериш муддати камида 10 иш кунига узайтирилади, лекин ушбу эълон бўйича таклифларни қабул қилиш умумий муддати 30 иш кунидан ошмаслиги лозим.

7-боб. Талабгорларнинг электрон тендерга кириш тартиби

25. Электрон тендерда иштирок этиш учун талабгор ушбу Низомнинг 23-банд “б” кичик банди шартлари талабларидан ижобий ўтган тақдирда, ўзининг шахсий кабинетдаги махсус ҳисобварағи орқали операторга воситачилик йиғими учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўланган маблағ электрон тендер натижаларидан қатъи назар талабгорга/оферентга қайтарилмайди.

26. Тендер предметининг қиймати ва хавф-хатар тоифасига қараб, соҳавий электрон рейтингда мавжуд бўлган талабгорга қўйиладиган минимал рейтинг талаблари қуйдагилардан иборат:

I хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 минг бараваригача – “D” ва ундан юқори; қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 минг баравари ва ундан юқори – “C” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

II хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 минг бараваригача – “D” ва ундан юқори; қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 минг бараваридан 40 минг баробаригача – “C” ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 минг бараваридан 80 минг баробаригача – “CC” ва ундан юқори; қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 минг баравари ва ундан юқори – “CCC” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

III хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 минг бараваригача – “C” ва ундан юқори; қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 минг бараваридан 80 минг баробаригача – “CC” ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 минг бараваридан 240 минг баробаригача – “CCC” ва ундан юқори; қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 240 минг баравари ва ундан юқори – “B” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

IV хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 240 минг бараваригача – “CCC” ва ундан юқори; қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 240 минг бараваридан 400 минг бараваригача – “B” ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 минг баравари ва ундан юқори – “BB” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга.

27. Электрон тендерда ягона оферент иштирок этганда ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаганда, давлат буюртмачиси электрон тендерга кириш учун оферентларга нисбатан қўйилган электрон рейтинг баҳони бир даражага пасайтириш ҳуқуқига эга.

Электрон тендерда тендер предмети бўйича белгиланган минимал рейтинг талаби сабабли (бошқа сабаблар бундан мустасно) белгиланган муддатда ягона оферент ўз таклифини жойлаштирган бўлса ёки бирорта ҳам оферент таклиф жойлаштирмаган бўлса, ушбу тендер предмети бўйича белгиланган минимал рейтинг

Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга 2-илова

(оферент номи)

ТЕНДЕР ПРЕДМЕТИ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА НАРХ ТАКЛИФИ (1-шакл)

(тендер предметининг номи)

- Биз, оферент сифатида қуйида имзо чекувчилар: тендер предмети бўйича эълонда бириктирилган лойиҳа асосида тендер предмети жойлашган манзилга чиқиб ўрганганлигимизни; пудрат шартномасини имзолашдан ёки имзолангандан сўнг объектни қуришдан бош тортганимизда, платформа томонидан икки йил давомида электрон тендерга автоматик равишда қўйилмаслигимиз тўғрисида хабардорлигимизни; электрон тендер шартларига ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ имзоланган пудрат шартномамизга асосан барча ишларни _____ сўм (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) сифатли бажаришимизни ва тугатишимизни тасдиқлаймиз.
- Биз билан электрон тендер натижасига кўра пудрат шартномаси имзоланган тақдирда, ушбу пудрат шартномасида назарда тутилган кундан бошлаб ишларни бошлаш ҳамда _____ кун ичида объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топшириш мажбуриятини оламыз.
- Бизнинг таклифимиз тендер таклифларини баҳолаш кунидан бошлаб 60 календарь кун мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.
- Пудрат шартномаси тузилгунга қадар тендер таклифининг акцепти ўртамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.
- Биз, оферент сифатида олган акцепт биз (оферент) сиз (бюртмачи) билан расмий пудрат шартномасини тузиш мажбуриятини олишимизни ва биз (оферент) унинг ижросини таъминлашимизни тасдиқлайди.
- Қурилиш жараёнига жалб қилинган ёлланма ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаймиз.
- Бюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни биринчи молия йили мобайнида ўзгартирилмайдиган шартномавий нархда амалга ошириш мажбуриятини оламыз.

Ташкилот раҳбарининг имзоси:

Тузилган санаси: 20__ йил "___" _____

ҳалқаро молия институтлари маблаглари (тўлиқ ёки қисман) ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектларига нисбатан татбиқ этилмайди.

7. Капитал қурилишда тендер ҳужжатлари ва техник вазифалар фақат ишлар (хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК (кейинги ўринларда – экспертиза маркази)нинг ижобий хулосаси бўлмаса, тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни платформага жойлаштириш тақиқланади.

8. Бир шартнома бўйича қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 000 бараваридан кам бўлган тендер предмети учун экспертиза марказининг хулосаси талаб этилмайди. Унинг ўрнига "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК ёки унинг ҳудудий филиалларининг ижобий хулосаси асос ҳисобланади.

9. Тендер предметининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 000 бараваригача бўлган электрон тендерларда фақат ўша ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)да юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган талабгорлар қатнашади (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ягона ҳудуд деб қабул қилинади).

Тендер предметининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 000 баравари ва ундан юқори бўлган объектлар ҳамда III ва IV хавф-хатар тоифасидаги объектлар бўйича ўтказиладиган электрон тендерларида ҳудудий чеклов татбиқ этилмайди.

2-боб. Электрон тендерни ўтказиш тартиби

10. Электрон тендер ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) давлат бюртмачиси:

Молия вазирлигининг ахборот тизимида белгиланган тартибда шахсий ғазна ҳисобварақлари очади; платформада рўйхатдан ўтиб, объектнинг идентификация рақамини киритади; платформада тендер ташкилотчисини танлайди ҳамда шартнома имзолайди; электрон тендер ҳужжатларини тендер ташкилотчисига тақдим этади;

б) тендер ташкилотчиси:

электрон тендер ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тўғрилигини ўрганиб чиқади; платформага тендер предмети тўғрисидаги эълонни жойлаштиради;

в) талабгор:

эълонга мувофиқ қурилиш-монтаж ишлари бажариладиган ҳудудга (жойнинг ўзига) чиққан ҳолда объектни ўрганиб чиқади;

24 соат давомида хабардор қилиш имконини берадиган мобил телефон рақами ва электрон манзилини платформага киритади ҳамда шахсий кабинетини очади;

г) оферент шахсий кабинети орқали тендер предмети бўйича тендерда қатнашиш учун платформага ўзининг СТИР хос рақамини киритади;

д) платформа оферент киритган СТИР бўйича вазирлик, ташкилот ва тизимларнинг маълумотлар базасидан қуйидагиларни автоматик тарзда:

"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидан соҳавий электрон рейтингда мавжудлигини ҳамда тендер предметининг қиймати ва хавф-хатар тоифасига мослигини;

Давлат солиқ кўмитасининг электрон маълумотлар базасидан солиқлардан боқиманда қарздорлиги мавжуд эмаслигини;

Марказий банкнинг электрон маълумотлар базасидан оферентнинг хизмат кўрсатувчи банкдаги асосий ва иккиламчи ҳисобварағида 2-сон картотека қарздорлиги ҳамда банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслигини;

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электрон маълумотлар базасидан оферентнинг ўз балансидаги асосий фондларига ва мулкига тақиқ қўйилмаганлигини;

Давлат статистика кўмитасининг электрон маълумотлар базасидан жорий йил учун молиявий мажбуриятлари ҳажми оферент томонидан сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилида бажарилган энг йирик ишлар ҳажми 2 баравардан ошмаганлигини;

Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг электрон маълумотлар базасидан қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияларида рўйхатга олинган объектлар бўйича қурилишни якунлаш муддатидан ўтиб кетмаганлигини;

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агенлигининг электрон маълумотлар базасидан платформада ўз таклифини бириктирган оферентлар ва давлат бюртмачиси ўртасида аффилиланганлик хусусияти мавжуд эмаслигини;

5-боб. Давлат бюртмачиси, тендер ташкилотчиси ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг шахсий кабинети

18. Давлат бюртмачиси, тендер ташкилотчиси ва талабгор платформада ўз ЭРИсидан фойдаланган ҳолда маълумотларни киритиб, рўйхатдан ўтгандан сўнг автоматик тарзда шахсий кабинет шаклланади.

19. Давлат бюртмачиси, тендер ташкилотчиси ва оферентнинг шахсий кабинетида мобил телефон рақами, электрон манзили, рейтинг балли ва ушбу баллини ҳисоблаб чиқиш ёйилмаси, тендер ғолиби ва захирадаги ғолибнинг, шунингдек, қолган оферентларнинг платформа томонидан автоматик баҳоланган баллари ва ушбу балларни ҳисоблаш ёйилмаси ҳамда якуний электрон баённома акс эттирилади.

Давлат бюртмачиси, тендер ташкилотчиси ва оферентнинг талаблари асосида қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маълумотлар шахсий кабинетга киритилиши мумкин.

20. Талабгор электрон тендерда қатнашиш учун шахсий кабинетдаги ушбу Низомнинг 23-банди "б" кичик бандида кўрсатилган шартлар бўйича операторга идоралараро маълумотлар базаларидан ўзи ҳақидаги маълумотлар платформа томонидан автоматик равишда текширилишига розилигини юридик шахс ЭРИси билан тасдиқлаши лозим бўлади.

21. Давлат бюртмачиси, тендер ташкилотчиси ва оферент ҳақида ҳамда якунланган электрон тендерлар тўғрисидаги маълумотлар тегишли электрон архивга юборилади ва белгиланган тартибда сақланади.

6-боб. Электрон тендерни ўтказиш тўғрисидаги эълонни жойлаштириш

22. Электрон тендерни ўтказиш тўғрисидаги эълон давлат бюртмачиси тақдим этган электрон тендер ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тўғрилиги тендер ташкилотчиси томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг платформага жойлаштирилади.

23. Эълонда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- тендер предмети бўйича: манзилли рўйхатда жорий йил учун назарда тутилган маблаглар миқдори; номи, манзили ва идентификация рақами; ишларни амалга ошириш тури (қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш); соҳавий мансублиги ва хавф-хатар тоифаси; бошланғич нарх (ҚҚС билан) ва ишларни якунлаш муддати; тендер таклифини таъминлаш кафолати ва молиялаштириш манбаи; талабгор томонидан таклифни киритиш муддати; лойиҳа чизмалари, локал ресурс (иш ҳақи, машина ва механизмлар ҳажми ҳамда нархи кўрсатилмаган ҳолда) ведомостлари;

агар тендер предмети ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ лицензияланмаган бўлса, лицензия мавжудлиги ҳақидаги талаб;

б) платформага таклифни электрон жойлаштириш санасида талабгорга нисбатан қўйиладиган шартлар: тендер предметининг қиймати ва хавф-хатар тоифасига қараб соҳавий электрон рейтингда ижобий кўрсаткичга эга бўлганлиги;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; "Инсофсиз ижрочилар" ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мавжуд эмаслиги; Давлат солиқ кўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали қорхоналар рўйхатига киритилмаганлиги;

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги; банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги;

ўз балансидаги асосий фондларга, мулкларига тақиқ қўйилмаганлиги;

жорий йил учун молиявий мажбуриятлари ҳажми талабгор томонидан сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилида бажарилган энг йирик ишлар ҳажми 2 баравардан ошмаганлиги. Бунда платформа томонидан талабгорнинг молиявий мажбуриятлари қолдиқ ҳажми тендер предметининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) билан солиштирилади. Талабгорнинг молиявий мажбуриятлари қолдиқ ҳажми етарли бўлган тақдирда, бир нечта тендерларда иштирок этиши тақиқланмайди;

қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияларида рўйхатга олинган талабгорнинг бош пудрат объекти бўйича қурилишни якунлаш муддатидан ўтиб кетмаётганлиги;

таклиф этилган нархнинг (ҚҚС билан) бошланғич нархдан (ҚҚС билан) баланд эмаслиги ҳамда 95 фоиздан паст эмаслиги;

таклиф этилган қурилиш муддати тендер предмети бўйича белгиланган қурилиш муддатидан кўп эмаслиги;

Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга 1-илова

Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш ТАРТИБИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга оширилаётган тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат бюртмачиси	1. Молия вазирлигининг Ғазначилиги тизимида рўйхатдан ўтади.	Белгиланган муддатда
2-босқич	Давлат бюртмачиси	1. Электрон платформада рўйхатдан ўтади. 2. Объектнинг идентификация рақамини киритади.	30 дақиқа
3-босқич	Давлат бюртмачиси	1. Зарур ҳолларда платформада тендер ташкилотчисини танлайди ҳамда шартнома имзолайди. 2. Электрон тендер ҳужжатларини тендер ташкилотчисига тақдим этади.	2 иш куни
4-босқич	Тендер ташкилотчиси	1. Электрон тендер ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тўғрилигини ўрганиб чиқади. 2. Платформага тендер предмети тўғрисидаги эълонни жойлаштиради.	3 иш куни мобайнида
5-босқич	Талабгор	1. Эълонга мувофиқ қурилиш-монтаж ишлари бажариладиган ҳудудга (жойнинг ўзига) чиққан ҳолда объектни ўрганиб чиқади. 2. 24 соат давомида хабардор қилиш имконини берадиган мобил телефон рақами ва электрон манзилини платформага киритади ҳамда шахсий кабинетини очади.	10 иш куни мобайнида
6-босқич	Оферент	Шахсий кабинети орқали харид предмети бўйича тендерда қатнашиш учун платформага СТИР хос рақамини киритади.	5 дақиқа ичида
7-босқич	Платформа	Киритилган оферентнинг СТИР бўйича платформа вазирлик, ташкилот ва тизимларнинг маълумотлар базасидан автоматик тарзда қуйидагиларни: а) "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидан соҳавий электрон рейтингда мавжудлиги ҳамда харид предметининг қиймати ва хавф-хатар тоифасига мослигини; б) Давлат солиқ кўмитасининг электрон маълумотлар базасидан солиқлардан боқиманда қарздорлигининг мавжуд эмаслигини;	10 дақиқа ичида

платформанинг ўз тизимидан ҚҚС билан таклиф нархининг ҚҚС билан бошлангич нархидан баланд ҳамда 95 фоиздан паст эмаслигини, шунингдек, таклиф этилган қурилиш муддати объект бўйича белгиланган қурилиш муддатидан ортиқ эмаслигини;

платформанинг ўз тизимидан объектнинг бошлангич ҚҚС билан нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган тендер таклифини таъминлаш кафолати оператор томонидан очилган ҳисобварағига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилганлигини текширади;

е) **оферент** ушбу банднинг "д" кичик бандида назарда тутилган талаблардан ижобий натижалар билан ўтганда, ушбу Низомга 2-4-иловаларга мувофиқ шакллари тўлдирган ҳолда платформага юклайди;

ж) **платформа:** оферентлар таклифларини ушбу Низомнинг 35-бандида келтирилган формула ёрдамида автоматик равишда баҳолайди;

ғалиб ва захирадаги ғалиб ташкилотларни аниқлайди; баҳолаш натижалари бўйича электрон ҳисоботни шакллантиради ва очиқ кўринишда жойлаштиради; электрон тендерда ғалиб бўлган оферентга акцепт юборади;

з) **ғалиб қурилиш-пудрат ташкилоти** акцептни тасдиқлайди; и) **давлат буюртмачиси** электрон тендерда ғалиб бўлган оферент билан пудрат шартномасини имзолайди ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштирилган пудрат шартномасини платформага юклайди;

к) **платформага** юкланган пудрат шартномасига мувофиқ объектнинг бошлангич ҚҚС билан нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган тендер таклифини таъминлаш кафолат суммаси ғалиб ва захира ғалиб ташкилотлар ҳамда оферентларнинг ҳисобварақларига банк харажатлари ушланган ҳолда, платформанинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи ташкилот билан платформа ўртасида ўрнатиладиган тўғридан-тўғри маълумот алмашинуви доирасида автоматик равишда платформа томонидан қайтарилади.

3-боб. Электрон тендер иштирокчиларининг вазифалари

11. Давлат буюртмачиси:

Молия вазирлигининг электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтгандан сўнг ушбу тизим билан интеграция қилинган платформада тегишли электрон рақамли имзосидан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда мақсадли дастурларда назарда тутилган қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектлари бўйича пудрат ташкилоти белгиланмаган бўлса, платформага тегишли маълумотларни киритади;

тендер предмети бўйича платформага идентификация рақамини киритади ва шахсий ғазна ҳисобварағида етарли маблағ тасдиқлангандан сўнг тендер предмети бўйича тендер ташкилотчисини платформада танлайди ва электрон тендер савдоларини ташкил этиш бўйича шартнома тузади; агар шахсий ғазна ҳисобварағидан ташқари ҳисобварақларидан молиялаштириш белгиланган бўлса, молиялаштириш манбаи тўғрисидаги маълумотномани платформага юклаган ҳолда тасдиқлайди;

зарур ҳолларда тендер ташкилотчисига электрон тендер ҳужжатларини тўлиқ тақдим этади; тендер савдоларини ташкил этиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди ҳамда белгиланган тартибда тендер ғалиби билан пудрат шартномасини тузади;

операторни мустақил белгиланган тартибда танлайди; бир вақтнинг ўзига тендер ташкилотчиси вазифасини бажариши мумкин; бир вақтнинг ўзига оферент бўла олмайди.

12. Тендер ташкилотчиси:

давлат буюртмачиси томонидан тақдим этилган электрон тендер ҳужжатлари тўлиқлигини ва тўғрилигини кўпи билан 3 иш куни давомида ўрганиб чиқади; агар электрон тендер ҳужжатларида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, уларни давлат буюртмачисига қайтаради;

эълонни платформага жойлаштиради; платформага жойлаштирилган эълонга давлат буюртмачисининг асосли сўрови билан белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

қурилиш соҳасида электрон давлат харидлари бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси учун белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;

бир вақтнинг ўзига буюртмачи ва/ёки оферент бўла олмайди.

13. Оператор:

а) Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида рўйхатдан ўтган давлат буюртмачиси учун:

4

10-босқич	Платформа	Баҳолаш натижалари бўйича электрон ҳисоботни шакллантиради ва очиқ кўринишда жойлаштиради.	5 дақиқа
11-босқич	Платформа	Электрон тендерда ғалиб бўлган қурилиш-пудрат ташкилотига акцепт юборади.	10 дақиқа
12-босқич	Ғалиб қурилиш-пудрат ташкилоти	Акцептни тасдиқлайди. Агар акцепт юборилган кундан бошлаб 2 иш куни ичида ғалиб ташкилот томонидан тасдиқланмаса, акцепт захирадаги ғалибга юборилади ва захирадаги ғалибга қўшимча 2 иш куни ичида акцептни тасдиқлашга муддат берилади.	2 иш куни ичида
13-босқич	Давлат буюртмачиси	Электрон тендерда ғалиб бўлган қурилиш-пудрат ташкилоти билан пудрат шартномасини имзолайди ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштирилган пудрат шартномасини платформага юклайди.	3 иш куни ичида
14-босқич	Платформа	Платформага юкланган пудрат шартномасига мувофиқ объектнинг бошлангич ҚҚС билан нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган тендер таклифини таъминлаш кафолати суммасини ғалиб ва захирадаги ғалиб ташкилотлар ҳамда оферентларнинг ҳисобварақларига банк харажатлари ушланган ҳолда платформанинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи ташкилот билан платформа ўртасида ўрнатиладиган тўғридан-тўғри маълумот алмашинуви доирасида автоматик равишда қайтаради.	1 иш куни мобайнида

13

в) Марказий банкнинг электрон маълумотлар базасидан оферентнинг хизмат кўрсатувчи банкдаги асосий ва иккитамачи ҳисобварағида 2-сон картотека қарздорлиги ҳамда банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслигини;

г) Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электрон маълумотлар базасидан оферентнинг ўз балансидаги асосий фондларига ва мулкига тақиқ қўйилмаганлигини;

д) Давлат статистика қўмитасининг электрон маълумотлар базасидан жорий йил учун молиявий мажбуриятлари ҳажми оферент томонидан сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилида бажарилган энг йирик ишлар ҳажми 2 баравардан ошмаганлигини;

е) Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг электрон маълумотлар базасидан қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияларида рўйхатга олинган объектлар бўйича қурилиш яқунлаш муддатидан ўтиб кетмаганлигини;

ж) Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг электрон маълумотлар базасидан платформада ўз таклифини бириктирган оферентлар ва давлат буюртмачиси ўртасида аффилиланганлик ҳусусияти мавжуд эмаслигини;

з) платформанинг ўз тизимидан ҚҚС билан таклиф нархининг ҚҚС билан бошлангич нархидан баланд ҳамда 95 фоиздан паст эмаслигини, шунингдек, таклиф этилган қурилиш муддати объект бўйича белгиланган қурилиш муддатидан ортиқ эмаслигини;

и) платформанинг ўз тизимидан объектнинг бошлангич ҚҚС билан нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган тендер таклифини таъминлаш кафолати оператор томонидан очилган ҳисобварағига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилганлигини текширади.

8-босқич

Оферент

7-босқичдан ижобий натижалар билан ўтган оферентлар Низомга 2, 3 ва 4-иловаларни тўлдирган ҳолда платформага юклайди.

10 дақиқа

9-босқич

Платформа

1. Оферентлар таклифларини тегишли формула ёрдамида автоматик равишда баҳолайди.
2. Ғалиб ва захирадаги ғалиб ташкилотларни аниқлайди.

2 иш куни ичида

12

24 соат давомида хабардор қилиш имконини берадиган мобил телефон рақами ва электрон манзил платформага киритилишини ҳамда автоматик равишда шахсий кабинет очилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПҚ-4464-сон қарорининг 7-бандига мувофиқ 0,05 фоиз миқдоридagi маблағлар бўйича "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) хизматлари бўйича давлат буюртмачисининг қарздорлиги бўлмаган тақдирда, юридик шахс ЭРИсидан фойдаланган ҳолда объектнинг идентификация рақами киритилишини ҳамда лот рақами берилишини таъминлайди;

б) тендер ташкилотчиси учун:

тендер ташкилотчилари рўйхатини платформага юклайди;

24 соат давомида хабардор қилиш имконини берадиган мобил телефон рақами ва электрон манзил платформага юрналишини ва автоматик равишда шахсий кабинет очилишини таъминлайди;

тендер предмети бўйича эълонларни платформага жойлайди;

в) соҳавий электрон рейтингда мавжуд бўлган талабгор ва оферент учун:

24 соат давомида хабардор қилиш имконини берадиган мобил телефон рақами ва электрон манзил платформага киритилишини, автоматик равишда шахсий кабинет очилишини ҳамда эълон шартлари билан тўлиқ танишини таъминлайди;

қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилида бажарилган энг йирик ишлар ҳажмининг 2 баравари бўйича жорий йил учун молиявий мажбуриятлар ҳажми тегишли тизим билан интеграция қилинган платформа томонидан тўғри ҳисобланишини таъминлайди;

тендер таклифини таъминлаш кафолат суммасини ўтказиш учун платформадаги шахсий кабинетда махсус ҳисобварағидан фойдаланишларини ҳамда ундаги ўтказилган маблағларни белгиланган тартибда қайтарилишини ёки буюртмачининг ҳисобварағига жўнатилишини таъминлайди;

тендер таклифлари платформа томонидан автоматик равишда баҳолини таъминлайди;

г) шу билан бирга, оператор:

эълон шартларига электрон тендер ҳужжатлари таркибига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилган тақдирда, давлат буюртмачисини, тендер ташкилотчисини ва оферентларни электрон хабардор қилади;

электрон тендер натижалари бўйича тегишлилигига кўра давлат буюртмачиси, тендер ташкилотчиси ва оферентларга платформа орқали автоматик равишда хабар юборади;

тендер иштирокчилари электрон тендер жараёнида белгиланган тартиб асосида иштирок этишларини таъминлайди;

идораларо маълумотлар базалари билан интеграция қилинган платформа ҳар куни 24 соат давомида узлуксиз ишлашини қатъий назорат қилади.

14. Давлат буюртмачиси, тендер ташкилотчиси ва оферент томонидан платформада юридик шахс ЭРИсидан нотўғри фойдаланилган тақдирда, оператор жавобгар ҳисобланмайди ҳамда ушбу ҳолат "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида тартибга солинади.

4-боб. Электрон тендер таклифини таъминлаш тартиби

15. Электрон тендер таклифини таъминлаш кафолати бўйича платформада шахсий кабинетдан рўйхатдан ўтган оферент оператор томонидан очилган ҳисобварағига пул ўтказиш йўли орқали тўловни амалга оширади.

16. Оператор қуйидаги ҳоллардан бири рўй берганда, тендер таклифини таъминлаш суммасини банк харажатларини ушлаган ҳолда бир иш куни ичида:

электрон тендер ғалиби ва давлат буюртмачиси билан пудрат шартномаси имзоланиб, Молия вазирлигининг Ғазначилигидан автоматик равишда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг;

захирадаги ғалиб ва ғалиб бўлмаган оферентларга электрон тендер ўтказилгандан сўнг;

электрон тендер бекор қилингандан сўнг (амалга ошмаган ҳолатларда) барча оферентларга;

белгиланган тартибда таклифларни қайтариб олган оферентларга тендер таклифларини юборишининг охириг муддати тугаган кундан сўнг қайтаради.

17. Электрон тендер ғалиби пудрат шартномасини имзолангандан бош тортганда (захирадаги ғалиб бундан мустасно), тендер таклифини таъминлаш кафолат суммаси тендер ғалибга қайтарилмайди.

Бунда тендер таклифини таъминлаш кафолатининг қайтарилмаган суммаси платформа томонидан автоматик равишда давлат буюртмачисининг тегишли ҳисобварағига банк харажатлари ушланган ҳолда бир иш куни ичида ўтказиб берилади.

5

